



**ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА**  
**ДОРМИКИНД А**  
**(DORMIKIND® А)**

**Савдо номи:** ДОРМИКИНД А (DORMIKIND® А)

**Дори шакли:** Таблеткалар

**Таркиби:**

1 таблетка (100 мг) қуйидагиларни сақлайди:

*фаол моддалар:* 15 мг Cypridium pubescens trit. D4, 20 мг Magnesium carbonicum trit. D10, 15 мг Zincum valerianicum trit. D12;

*ёрдамчи моддалар:* микрокристалл целлюлоза, лактоза моногидрати, тальк, магний стеарати.

**Таъриф:** оқ ёки деярли оқ, ясси цилиндрик шакли, фаскали таблеткалар.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Гомеопатик дори воситаси.

**Фармакологик хусусиятлари**

Гомеопатик даволаш касалликни тушуниш маъносида ва дори воситаларини қўлланишида анъанавий тиббиётдан аҳамиятли фарқ қилади. Гомеопатик воситалар организмнинг шахсий химоя механизмларини рағбарлантиради ва шу тарзда ўзини-ўзи тиклаш қобилиятини фаоллаштиради. Гомеопатик воситаларга организмнинг реакцияси жуда шахсий. Шу сабабларга кўра доза-специфик фармакологик самаралар, фармакодинамик ёки фармакокинетик маълумотларни аниқлашнинг имконияти йўқ.

**Клиник характеристикаси**

**Қўлланилиши**

Кичик ёшдаги ва эмизикли болаларда уйқуни бузилишлари ва безовталанишни даволаш учун қўлланади.

**Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

Таъсир этувчи моддаларнинг бирортасига ёки препаратнинг ҳар қандай компонентларига юқори сезувчанликда қўллаш мумкин эмас.

**Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири ва ўзаро таъсирнинг бошқа турлари**

Бошқа дори воситалари билан ўзаро таъсири кузатилмаган. Ушбу гомеопатик дори воситасини қўллаш бошқа дори воситаларини қабул қилишни чекламайди.

Агар ота-оналарнинг фарзандлари бошқа ҳар қандай дори воситаларини қабул қилаётган бўлса, яқинда қабул қилган бўлса ёки қабул қилиши мумкин бўлса, уларга шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

**Қўллашнинг ўзига хослиги**

Дори воситаси лактоза сақлайди. Галактозани ўзлаштираолмасликнинг кам наслий муаммолари, Лаппа лактаза танқислиги ёки глюкоза-галактозани кам сўрилиши каби бўлган пациентлар ушбу дори воситасини қабул қилишлари мумкин эмас.

Даволаш схемаси қайта кўриб чиқиши керак:

- агар фарзандингиз Дормикинд А препаратига ёмон реакция қилса;
- агар қўшимча шикоятлар пайдо бўлса.

**Ҳомиладорлик вақтида ёки эмизиш даврида қўлланилиши**

Препарат болалар учун мўлжалланган.

**Автотранспорт ёки бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти**

Препарат болалар учун мўлжалланган.

**Қўллаш усули ва дозалари**

Дозалаш тартиби:

6 ёшгача бўлган болалар:

1 таблеткадан суткада 4 мартагача.

Қўллаш усули

Таблеткаларни оғизда аста-секин сўриш лозим. Зарурати бўлса таблеткани кўп бўлмаган миқдордаги сувда эритиш мумкин.

Препаратни овқатни қабул қилишгача камида 30 минут олдин қўллаш лозим.

**Дозани ошириб юборилиши**

Дозани ошириб юборилиши ҳолатлари ҳақида хабар берилмаган.

**Ножўя реакциялари**

Қандайдир ножўя реакцияларнинг ривожланиши ҳақида хабарлар аниқланмаган.

Аҳамиятли ўзгаришлар кузатилиши ҳолатида мувофик чораларни қўллаш лозим.

**Эслатма:** гомеопатик препаратларни қабул қилиш вақтида мавжуд бўлган шикоятлар вақтинчалик ёмонлашиши мумкин (бошланғич гомеопатик зўриқиш). Бундай ҳолларда пациентларга препаратни қабул қилишни тўхтатиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади.

**Яроқлилик муддати**

5 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўлланмасин.

**Сақлаш шароити**

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда, болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

**Ўрами**

150 таблеткалар флаконларда. 1 флакон тиббиётда қўлланишига доир йўриқнома билан бирга картон коробкада.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецептсиз.

**Ишлаб чиқарувчи**

Др. Густав Кляйн ГмбХ & Ко. КГ.,  
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,  
Германия

**Рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномасининг эгаси**

Альпен Фарма ГмбХ  
Штайненфельд 3, 77736 Целль ам Хармерсбах,  
Германия

**Ўзбекистон Республикаси худудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар  
(таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили**

“France Pharma” МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Навнихол кўч. 86

Тел.: +99871 2309193

E-mail: [infopharmaff@gmail.com](mailto:infopharmaff@gmail.com)